

**“КЕЛИШИЛГАН”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Давлат  
хизматини ривожлантириш  
агентлиги қошидаги  
“Эл-юрт умиди” жамғармаси  
директори  
А.Бекмуродов

“ 1 ” 04 2022 йил.



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Республика Маънавият ва  
маърифат маркази раҳбари

М.Ҳожиматов



“ 1 ” 04 2022 й.

**“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ  
ЭТИЛАДИГАН СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВЛАРИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ  
НОМЗОДЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ БИЛИМЛАРИ  
ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ  
БЎЙИЧА**

**СУҲБАТ ДАСТУРИ**

Ушбу дастур “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил этиладиган стипендия танловларида иштирок этувчи номзодларнинг маънавий-маърифий билимлари даражасини аниқлаш бўйича суҳбат дастури ҳисобланади.

Дастурда халқимизнинг шонли ўтмиши, миллий давлатчилигимиз тарихи, жаҳон тамаддуни ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк аجدодларимиз мероси, маънавий-ахлоқий қадриятларимиз, Ватан озодлиги йўлида курашган улуғ саркардалар, миллий қаҳрамонларимиз жасорати, яқин ўтмишда халқимиз бошидан кечирган мустамлакачилик даври, катағон сиёсати, миллий озодлик ва маърифатпарварлик ҳаракатлари, мустақил тараққиёт йўлида миллий истиқлол ғояси асосида халқимиз босиб ўтган миллий давлатчиликни тиклаш йўли, фуқаролик бурчи ва масъулияти, юксак ватанпарварлик туйғуси мазмун моҳияти, бугунги кунда глобаллашув туфайли кузатилаётган маънавий таҳдидлар, бузғунчи ва бунёдкор ғоялар мазмунини ифодалаган мавзулар ўрин олган.

Дастур “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан эълон қилинган стипендия танловларида иштирок этувчи номзодларнинг ватанпарварлиги ҳамда билимлари даражасини аниқлаш ва суҳбатдан ўтказиш учун мўлжалланган.

**“Эл-юрт умиди” жамғармасы томонидан ташкил этиладиган стипендия танловларида бакалаврият дастури бўйича иштирок этувчи номзодларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини аниқлаш бўйича тузилган саволлар:**

1-савол: Ўзбек тилига Давлат тили мақоми қачон берилган? Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилишининг аҳамиятини ёритиб беринг.

2-савол: Ўзбекистонда Президентлик институти қачон ташкил этилган?

3-савол: Мустақиллик тўғрисидаги декларация қачон қабул қилинган?

4-савол: Мустақил Ўзбекистоннинг Давлат рамзлари ҳақида сўзлаб беринг.

5-савол: Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га қачон аъзо бўлган?

6-савол: Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОга аъзо бўлиши ҳақидаги фикрларингизни баён қилинг.

7-савол: Оила қадрияти деганда нималарни тушунасан?

8-савол: Оилада гендер тенглик, деган тушунчанинг мазмун-моҳиятини очиб беринг.

9-савол: Миллий қадриятлар нима, уларнинг жамиятдаги роли ҳақида гапириб беринг.

10-савол: Учта муҳим орзуингиз ҳақида гапириб беринг.

11-савол: Амир Темури ва темурийлар даврида илм-фан ва маданиятнинг роли ҳақида гапириб беринг.

12-савол: Сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг буюк адабий мероси ҳақида гапириб беринг. Навоий ижодидан намуналар келтиринг.

13-савол: Буюк давлат арбоби ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида ватан соғинчи қандай акс этган?

14-савол: Ўзбекистонда нечта сиёсий партия бор, улар ҳақида гапириб

15-савол: Дунё миқёсида экстремизм, терроризмга қарши курашда Ўзбекистон ташаббуси ҳақида гапириб беринг.

16-савол: “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади”, деган жумланинг мазмун-моҳиятини очиб беринг.

17-савол: Ўзбек спорти жаҳон ареналарида, деган ибора ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни айтинг.

18-савол: Сўнгги йилларда мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида фикрларингизни баён қилинг.

19-савол: Қорақалпоғистон Республикаси мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ҳақида гапириб беринг.

20-савол: Китобхонлик ва ёшлар, деган иборанинг мазмун-моҳиятини очиб беринг.

21-савол: Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси ҳақида нималарни биласиз?

22-савол: Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар ёшлар онгига қандай таъсир кўрсатапти?

23-савол: Маҳалла институтининг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни ҳақида гапириб беринг.

24-савол: Ўзбекистондаги сайловлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни гапириб беринг.

25-савол: Янги Ўзбекистонда “Эл-юрт умиди” жамғармасини ташкил этишдан қандай мақсадлар кўзланган?

**“Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил этиладиган стипендия танловларида магистратура дастури бўйича иштирок этувчи номзодларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини аниқлаш бўйича тузилган саволлар:**

1-савол: Мустақиллик — ўзбек халқининг азалий орзуси, ибораси доирасида мустақилликни қўлга киритилиши, миллий давлатчиликни тиклаш ва ривожлантиришда унинг тарихий аҳамияти ҳақида гапириб беринг.

2-савол: Мустақил Ўзбекистоннинг Давлат рамзлари ҳақида сўзлаб беринг.

3-савол: Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув тизими ҳақида нималарни биласиз?

4-савол: Янги Ўзбекистон даврининг мазмун-моҳиятини очиб беринг.

5-савол: “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғояси ҳақида гапириб беринг.

6-савол: Биринчи Ренессанс даври ҳақида нималарни биласиз?

7-савол: Иккинчи Ренессанс даври тўғрисидаги фикрларингизни баён қилинг.

8-савол: Учинчи Ренессансга қандай пойдевор қўйилгани ҳақида гапириб беринг.

9-савол: Жалолиддин Мангуберди сиймоси ва унинг жасорати тўғрисида гапириб беринг.

10-савол: Маъмун академияси ҳақида нималарни биласиз?

11-савол: Жадидчилик ҳаракати намояндаларининг ватан мустақиллиги учун кураши ҳақида сўзлаб беринг.

12-савол: Диний бағрикенглик нима?

13-савол: Глобаллашув ва унинг мазмун-моҳияти, ижобий ва салбий оқибатларини очиб беринг.

14-савол: “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади”, деган жумланинг мазмун-моҳиятини очиб беринг.

15-савол: Илм-фан — мамлакат тараққиётининг пойдевори, деган қарашнинг мазмун-моҳиятини ёритиб беринг.

16-савол: Янги Ўзбекистон қаҳрамонлари ҳақида гапириб беринг.

17-савол: Китобхонлик ва ёшлар, деган иборанинг мазмун-моҳиятини очиб беринг.

18-савол: Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси ҳақида нималарни биласиз?

19-савол: Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар ёшлар онгига қандай таъсир кўрсатаёпти?

20-савол: Маҳалла институтининг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни ҳақида гапириб беринг.

21-савол: Ўзбекистондаги сайловлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни гапириб беринг.

22-савол: Янги Ўзбекистонда “Эл-юрт умиди” жамғармасини ташкил этишдан қандай мақсадлар кўзланган?

23-савол: Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини асосий устувор йўналишлари ҳақида фикр-мулоҳазаларингизни гапириб беринг.

24-савол: Маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш йўналишидаги асосий мақсадларнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб беринг.

**“Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил этиладиган стипендия танловларида докторантура дастури бўйича иштирок этувчи номзодларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини аниқлаш бўйича тузилган саволлар:**

1-савол: Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини очиб беринг.

2-савол: “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғояси ҳақида гапириб беринг.

3-савол: Жамиятнинг танаси иқтисод бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир, деган иборанинг мазмун-моҳиятини очиб беринг.

4-савол: Жадидчилик ҳаракати намояндаларининг ватан мустақиллиги учун кураши ҳақида сўзлаб беринг.

5-савол: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ” китоби қачон нашрдан чиқди, нечта бўлимдан иборат? Бўлимларини санаб беринг.

6-савол: Ўзбекистонда нечта сиёсий партия бор, улар ҳақида гапириб беринг.

7-савол: Глобаллашув ва унинг мазмун-моҳияти, ижобий ва салбий оқибатларини очиб беринг.

8-савол: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб беринг.

9-савол: Илм-фан — мамлакат тараққиётининг пойдевори, деган қарашнинг мазмун-моҳиятини ёритиб беринг.

10-савол: Ўзбек санъатининг халқаро майдондаги ўрни ҳақида мисоллар келтиринг.

11-савол: Ўзбек спорти жаҳон ареналарида, деган ибора ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни айтинг.

12-савол: Маънавий юксалишимизда йирик ўзбек намояндаларининг роли ҳақида гапириб беринг.

13-савол: Туризм — халқларни бирлаштиради, деган ибора мисолида ўз мулоҳазаларингизни ёритинг.

14-савол: Ўзбекистон Республикасининг 30 йилда эришган ютуқлари ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашинг.

15-савол: Қорақалпоқ адиб ва шоирлари ҳақида маълумотлар келтиринг.

16-савол: Янги Ўзбекистонда “Эл-юрт умиди” жамғармасини ташкил этишдан қандай мақсадлар кўзланган?